



Озик-овкат махсулотлари ва ичимликлар билан боғлиқ вазият айнан шундай, лекин косметика, шахсий гигиена воситалар ва дори-дармонлар билан боғлиқ вазият анча мураккабдир. Дори-дармонлар хақида гаплашиб оламиз. Фармацевтика саноати дорихоналарда сотиш ва тиббий ёрдам кўрсатиш учун дори-дармонлар ишлаб чиқаради. Озик-овкат кўшимчалари ҳам шу тоифага киради. Айрим дори-дармонлар харид қилиш учун рецепт талаб қилинади, бошқа дори-дармонлар эса рецептсиз сотилади. Рецепт бор ёки йўқлигидан катъи назар, дорини тайёрлаш усули ва жойи, унинг самарадорлиги ва фойдаланилган ингредиентлар масаласи долзарб ҳисобланади.

Буларнинг охиргиси чўчкадан олинадиган таркибий қисмлар билан боғлиқ. Ҳозирги кунда чўчкадан олинадиган ингредиентлар турли сабабларга кўра фармацевтика саноати кенг. Шундай қилиб, ўсимликлар асосидаги озик-овқат кўшимчалари истеъмол қилиш мумкин, лекин улар капсулага жойланган бўлса, бу капсулалар чўчка желатини асосида тайёрлангани эҳтимоли юқоридир!

Савол тугилади: агар товар маркировкасида бу ҳақида ахборот бўлмаса, товарнинг ўзи эса вегетариан, ҳалол ёки қошар сифатида сертификатланган бўлмаса, махсулот таркибида чўчкадан олинган таркибий қисмлар борлигини қандай аниқлаш мумкин?

Жавоб қуйидагича: махсулот таркибидаги барча ингредиентларни, шунингдек, уларнинг ўрни ва олинган усуллари билан зарур. Бироқ ҳатто бу ҳам оғир вазифа бўлиши мумкин, айниқса, истеъмолчилар учун, чунки кўпчилик ингредиентлар учун савдо ёки бренд номлари келтирилади (масалан, желатин учун Гельфилм ёки Гельфоум; инсулин учун Велосулин, Хуминсулин ёки Инсулинин; бу ҳали атиги бир неча мисол, ҳолос). Шундай экан, махсулот ёрлигидаги таркибни ўрганиш билан чекланмаслик лозим. Шунда бизга махсус кўрсаткичлар, масалан, махсулотнинг келиб чиқиши ва таркибий қисмлари ҳақида ахборотдан иборат бўладиган савдо маркаси индекси керак бўлади.

1) мия - Адренкортикотроп гормон (АКТГ), Фолликула рағбатлантириш гормони, Ганглиозид (GM1), Окситоцин, Пролактин, Тиролиберин (ТРГ), Вазопрессин ва б.

2) юрак – Простациклин

3) жигар - Арахидон кислотаси, Уриказа

4) ошқозон – Касла ички омили, Пепсин

5) ингичка ичак – Трипсин

6) суяқлар ва тоғайлар - Хондроитин сульфат, Желатин, Изеганан

7) ёғ - Глицерин, Сало, Стеариновая кислота

8) тери – Желатин

9) ичакнинг шилимшиқ қобиғи – Ардепарин, Гепарин, Тинзапарин ва б.

10) ўт – Хол кислотаси, Ченодиол

11) ўн икки бармоқли ичак – Секретин

12) қалқонсимон без – Кальцитонин

13) ўпка – Дефибротид, Порактант альфа

14) тухумдон - Эстрадиол, Релаксин

15) ошқозон ости беғи - Глюкагон, Инсулин, Панкрелипаза и др.

16) жағ ости беғи – Калликреин

Бошқа қисмлар:

17) асаб тизими, бирлаштирувчи тўқима, умумий органлар - желатин, кефалин

18) Эпителиал тўқима, Плазма – Кальцифедиол, Муцин

*изоҳ: ушбу рўйхат органлардан олинадиган барча моддаларни ўз ичига олмайди. Тўлиқ рўйхатни «Индекс Халяля – Лекарства на основе свиных компонентов» ктиобидан изланг.

"The Halal Index - Pig-Based Pharmaceuticals "

Абу Муслим (Интернетдан олинган материаллар асосида тайёрланди)